Ҳар бир инсон фаровонлиги учун!

Birgalikda ijtimoiy davlat sari!

O‘zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi facebook.com/uzbekistonovozi instagram.com/uzbekiston_ovozi www.uzbovozi.uz info@uzbovozi.uz

№41
Махсус сон
2024-yil
9-oktabr, chorshanba
1918-yil
21-iyundan chiqa boshlagan

✓ Сайлов — 2024



Сайлов куни яқинлашгани сари жараён ниҳоятда авж палласига етмоқда. Сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар ҳудудларда аҳоли билан мулоқот қилиб, тарғибот-ташвиқот ишларини тобора кучайтиришмоқда.

Номзодларнинг, тарғибот ишларида қатнашаётган партия фаолларининг айтишича, сайловолди жараёнларида бир жиҳат яққол кўзга ташланмоқда – халқимизнинг сиёсий фаоллиги, маданияти анча юксалган. Одамлар номзодларга дангал саволлар бераяпти, аниқ масалалар қўймоқда. Бу кучли фуқаролик жамияти қарор топганидан далолат, албатта. Бугунги сайловчи – ўз ҳуқуқини биладиган, фикрини бемалол айта оладиган инсон. Бу эса сиёсий партиялардан ҳам, депутатликка номзодлардан ҳам тарғиботни кучайтиришни талаб қилади.



УЧРАШУВЛАР КЎТАРИНКИ РУҲДА ЎТМОҚДА


6

БИЗНИНГ НОМЗОДЛАРГА ОВОЗ БЕРИНГ!



ХДПдан халқ вакиллигига кўрсатилган номзодларга партия электорати, умуман олганда, юртимиздаги ҳар бир инсоннинг муносиб шароитда яшаши, ҳуқуқ ва манфаатлари тенг ҳимоя қилиниши, жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтириш шартларидан келиб чиққан ҳолда навбатдаги беш йил учун мўлжалланган устувор мақсадлар борасида яна юзланамиз.

4 САҲИФАДА



ИЖТИМОИЙ ЙЎНАЛТИРИЛГАН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ – КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ СИЁСАТНИНГ АСОСИДИР

Ҳуқуқлар, имкониятлар тенглиги, ҳар бир инсон фаровонлигига интилиш давлат ва жамият барқарор ривожланишининг муҳим, устувор мезонларидан ҳисобланади.
Дунёда ҳукм сураётган мураккаб ҳозирги шароитда бу масаланинг қадр-қиммати, аҳамияти янада ортган.

Танланганлар орасидан

ТАНЛАНГАНЛАР




Дунё борган сари тараққийлашиб бормоқда. Бундан бир неча аср олдин инсониятга имконсиздек туюлган теориялар бугун кундалик ҳаётимизнинг бир қисмини ташкил қилмоқда. Бунга осонликча эришилган эмас. Ҳаётимизга кириб келаётган ҳар бир янгилик умрини шу йўлга тиккан илм аҳлининг машаққатли меҳнати самарасидир. Инсоният олдидаги хизматлари учун бериладиган энг машҳур – Нобель мукофоти ана шундай инсонларнинг шарафли меҳнатларини бироз бўлса-да, қадрлашга, уларга илтифот кўрсатишга қаратилган.

Жорий йилда мукофотлар 7 –14 октябрь кунлари топширилиши эълон қилинди. Шу билан бирга бу йил Тинчлик бўйича ҳеч кимга мукофот берилмаслиги мумкин. Сабаби, бу йил дунё уруш домига тортилмоқда. Ер шарининг турли нуқталарида нотинчлик ҳукм сурмоқда.

Бунга «Балки, айнан бу йил Нобель тинчлик мукофоти қўмитаси мукофотни топширмай, эътиборни урушаётган сайёрага қаратиши лозимдир», — деди Стокгольм халқаро тинчлик институти раҳбари Дэн Смит.

Бугунги сонда



Дунё мўъжизалар уммонидир. Гоҳида ғаройиб олам ўз сирлари билан лол қолдирса, баъзида тилсимотлари мафтун этади кишини. Синоатлар мужассам ана шундай манзиллардан бири Сурхон воҳасининг шимоли-ғарбида жойлашган Сангардак қишлоғидир. Тоғлар бағридаги макон минг йилликларга гувоҳ. Улуғ ўтмиши, мўъжизакор табиати ва муқаддас қадамжолари билан ном қозонган.

Бу ердаги машҳур Сангардак шаршараси ҳақида эшитгандирсиз. Жилвакор шаршаранинг юз метрча юқори қисмидаги булоқ ҳақида эса ҳамма ҳам билавермаса керак.



ОНЛАЙН КРЕДИТ

ажратишда вақтинчалик тартиб йўлга қўйилади

Марказий банк хабарига кўра, жорий йилнинг ўтган даврида фирибгарлик йўли билан фуқаролар номига онлайн кредит ажратиш орқали 463 та ҳолатда қарийб 15 млрд. сўм миқдорда моддий зарар етказилган. Ушбу турдаги фирибгарликларнинг олдини олиш мақсадида вақтинчалик тартиб жорий қилинмоқда.

8



Ҳуқуқлар, имкониятлар тенглиги, ҳар бир инсон фаровонлигига интилиш давлат ва жамият барқарор ривожланишининг муҳим, устувор мезонларидан ҳисобланади.

Дунёда ҳукм сураётган мураккаб ҳозирги шароитда бу масаланинг қадр-қиммати, аҳамияти янада ортган. Бинобарин, ижтимоий тенгсизлик, аҳоли турли қатламлари ўртасида тафовутлар пайдо бўлиши ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнида муайян муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Иқтисодиётнинг барқарор равнақ топиши учун ҳам давлат ижтимоий адолатни таъминлаши, бошқача айтганда, ижтимоий ҳимоя механизмларининг кенг қамровини ва изчиллигини кафолатлаши керак.



ИЖТИМОИЙ ЙЎНАЛТИРИЛГАН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ – КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ СИЁСАТНИНГ АСОСИДИР

БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) томонидан эълон қилинган маълумотларга кўра, 15 ёшгача бўлган 1,4 миллиард боланинг ижтимоий ҳуқуқлари таъминланмаган. Дунё аҳолисининг атиги 29 фоизи ижтимоий ҳимоя тизимлари билан етарли даражада қамраб олинган бўлса, 55 фоизи бу қамровга тўлиқ эга эмас.

Маълумки, шундай шароитда бир қатор мамлакатлар ҳукуматлари бозор иқтисодиётининг ижтимоий тенгсизлик ва камбағалликка олиб келадиган жараёнларини жиловлаш мақсадида давлатнинг ижтимоий сиёсатини кучайтиришга эътибор қаратмоқда.

Кези келганда таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон бугун жаҳон минбарларида ҳар бир фуқароси учун ғамхўрлик қиладиган ижтимоий давлат сифатида эътироф этилмоқда.

Аҳолига малакали ва сифатли тиббий хизматни яқинлаштириш мақсадида тизимда олиб борилаётган ислоҳотлар ҳам, очиғи, бир оз қийин кечаётган бўлса-да, аста-секин бўй кўрсатмоқда.

Болалар, аёллар, кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда ҳам йил сайин ўсиш динамикаси кузатилмоқда.

Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат сифатидаги конституциявий мақомини таъминлашда давлат бошқарув идоралари билан бир қаторда нодавлат институтлар, жамоатчилик, асосийси, сиёсий партиялар биринчилар сафида пухта ўйланган, натижадор таклиф-ташаббусларнинг ижодкорлари бўлмоғи керак.

Шу маънода, Халқ демократик партияси бозор иқтисодиётининг ижтимоий самарадорлигини оширишга урғу бериб келаётгани, янги Сайловолди дастурида ҳам бу йўналишда аниқ, ҳаётий ва халқчил таклифларни киритгани замирида бир ҳақиқат турибди. Бу инсонпарварлик, тенглик ғояларини ислоҳотларга чуқур сингдириш, ижтимоий адолат ва бирдамликни ҳамма нарсадан устун қўйиш мақсади билан боғлиқдир.

ДАВЛАТНИНГ ФАОЛ РОЛИ ВА ИШТИРОКИ МУҲИМ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси иқтисодиётни ижтимоий барқарорликни кўзлаб ривожлантириш муҳим, деб ҳисоблайди.

Чунки дунё тажрибасидан аёнки, эркин бозор қонунлари баъзан ижтимоий тафовутларнинг, тенгсизликнинг чуқур илдиз отишига сабаб бўлиши мумкин. Бу эса ижтимоий давлат барпо этиш учун тўсиқдир. Қолаверса, самарали бошқарувга эга давлатнинг асосий тартибга солувчилик роли бозор муносабатларини рағбатлантириб, ижтимоий-иқтисодий фойда келтиради. Бозор муносабатларини тартибга солиш ва ижтимоий тенгликни таъминлаш жараёни давлат иштирокисиз бўлмайди.

Аммо UzLiDeP Сайловолди дастурида илгари сурилаётган иқтисодиётда давлат иштирокини кескин қисқартириш, давлат мулкини хусусийлаштириш орқали хусусий сектор улушини ошириш ғояси бизнинг позициямизга зид, деб ҳисоблаймиз.

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ИЖТИМОИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА УРҒУ БЕРИБ КЕЛАЁТГАНИ, ЯНГИ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДА ҲАМ БУ ЙЎНАЛИШДА АНИҚ, ҲАЁТИЙ ВА ХАЛҚЧИЛ ТАКЛИФЛАРНИ КИРИТГАНИ ЗАМИРИДА БИР ҲАҚИҚАТ ТУРИБДИ. БУ ИНСОНПАРВАРЛИК, ТЕНГЛИК ҒОЯЛАРИНИ ИСЛОҲОТЛАРГА ЧУҚУР СИНГДИРИШ, ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ВА БИРДАМЛИКНИ ҲАММА НАРСАДАН УСТУН ҚЎЙИШ МАҚСАДИ БИЛАН БОҒЛИҚДИР.

Бизнинг фикримизча, иқтисодиётда давлатнинг иштироки бўлиши шарт, давлат тартибга солувчи ва ташаббускорлигидан воз кечмаслиги лозим.

Бундан ташқари, давлат мулкини хусусийлаштиришга доир таклифга ҳам тўлиқ қўшила олмаймиз. Масалан, стратегик аҳамиятга эга корхона ва заводларни хорижий инвесторларга топшириш салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Бу давлатнинг бошқарувчилик салоҳиятига ва ижтимоий ҳаётни тартибга солиш механизмига салбий таъсир кўрсатади, деб ўйлаймиз.

Давлатнинг иқтисодиёт ва ижтимоий соҳада фаол иштирок этиши иқтисодий хавфсизликни таъминлаш, ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди. Хусусан, энергетика, транспорт ва мудофаа саноати каби стратегик муҳим тармоқлар устидан давлат назорати уларнинг миллий манфаатларга зарар етказиши мумкин бўлган хорижий ёки хусусий манфаатлар назорати остига тушиб қолишига йўл қўймайди.

Мамлакат аҳолиси ҳар йили қарийб бир миллионга кўпаймоқда, бу давлат олдига янги мактаблар ва шифохоналар, ижтимоий инфратузилмаларни барпо этиш мажбуриятини қўяди. Бандликни қўллаб-қувватлаш, асосий товарлар ва хизматлар нархларини тартибга солиш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ҳимоя қилиш сингари кенг кўламли вазифаларни ҳам фақат давлат самарали ҳал қила олиши мумкин.

Самарали давлат назорати иқтисодиётда монополияни чеклаш ва адолатли рақобатни таъминлаш, янги технологияларни жорий этиш, инфратузилмаларни ривожлантириш соҳаларига узоқ муддатли инвестицияларни жалб қилиш имконини беради.

Ўзбекистоннинг иқтисодий стратегияси 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш ва глобал инновацион индекс рейтингида дунёнинг 50 та етакчи давлати қаторига кириш ва бу улкан мақсадга эришишда инсон капиталини ривожлантиришни назарда тутади. Бу ўз-ўзидан бўлмайди, давлат иштироки ҳамда назорати муҳимдир.

Зотан, ўтган йили янгиланган Конституциямизнинг 65-моддасида ҳам давлат



бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароит яратиши аниқ белгилаб қўйилди.

ХДП фаоллари бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш учун давлатнинг асосий тартибга солувчи ролини кучайтиришни ҳаётий зарурат, дея ҳисоблаб келиши бежиз эмас.

БАРҚАРОРЛИК ВА ФАРОВОНЛИК КАФОЛАТИ

Мутахассисларнинг фикрича, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шундай тизимки, у бир томондан эркин бозорнинг ўзини ўзи тартибга солиш тамойилларига асосланса, иккинчи томондан хусусий тадбиркорлик ва нодавлат секторнинг оддий одамларга хизмат қилишини таъминлайди. Бозор иқтисодиётининг бу шаклида ялпи ички маҳсулот ва миллий даромадни қайта тақсимлашда давлат муҳим роль ўйнайди.

Дунё давлатлари тажрибасига назар солсак, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини юритишда етакчилардан саналган Скандинавия ўлкалари (Дания, Швеция, Норвегия), Финляндия, Нидерландия, Германия каби мамлакатларда иқтисодий самарадорликка муҳим асос сифатида қаралади, бизнеснинг ижтимоий масъулияти белгиланиб, ижтимоий ҳимоя амалга оширилади.

Мамлакатимизда давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятлари билан боғлиқ конституциявий нормалар бир неча баробар кўпайди. Хусусан, аҳолининг эҳтиёжманд тоифаларини уй-жой билан таъминлаш, фуқароларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, камбағалликни қисқартириш, кафолатланган тиббий ёрдамга бўлган ҳуқуқни рўёбга чиқариш, таълимнинг барча шаклларига ғамхўрлик қилиш, барча учун тенг имкониятлар, ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мустаҳкамлаб қўйилди.

Табиийки, ҳар бир инсон учун фаровон турмуш даражасини вужудга келтириш, муносиб меҳнат шароити ва адолатли иш ҳақи, пенсия ва нафақалар, ижтимоий ёрдам ва хизматлар тизимини йўлга қўйиш, бошқача айтганда, ижтимоий адолат тамойилларини ҳаётга татбиқ қилиш учун Давлат бюджети ҳал қилувчи роль ўйнайди. Солиқлар эвазига ҳосил бўладиган Давлат бюджетидан самарали фойдаланиш ҳар қачонгидан долзарб тус олган.

Янгиланган Конституциямизда Давлат бюджетини шакллантириш, унинг даромад ва харажат қисмларини белгилаш ва ижросини таъминлашда фуқаролар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштирокини таъминлаш, бу йўналишда жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун ҳуқуқий кафолатлар яратилди.

Юқоридаги барча омилларни, давлатнинг иқтисодий қудрати, энг аввало, бюджетга бевосита боғлиқлигини инобатга олиб, вазирлик ва идоралар томонидан давлат хизматларини кўрсатиш ёки қонуний белгиланган тартибда жисмоний ва юридик шахсларга жарималар солиш натижасида тушадиган барча тушумларни тўлиқлигича Давлат бюджетига йўналтириш ҳозирги паллада ҳар томонлама тўғри ечим бўлади. Ушбу таклиф давлатнинг ижтимоий мажбуриятларини самарали уддалашида имкониятларни кенгайтиришга муҳим туртки беради.

Аҳолининг эҳтиёжманд тоифаларини уй-жой билан таъминлаш ва уларнинг ижтимоий ҳимояси ҳақида гап кетганда, “Адолат” партияси Сайловолди дастуридаги фуқароларнинг уй-жойли бўлишга оид ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда субсидиялар тизимини такомиллаштириш борасидаги таклиф ўзини оқламайди. Бизнингча, бу борада бошқа самарали иқтисодий ва ижтимоий механизмлар бор. Халқ демократик партияси мазкур йўналишда, масалан, ижтимоий уй-жойлар барпо этишни таклиф қилмоқда. Биз таклиф қилаётган янги механизм эҳтиёжманд, кам даромадли фуқаролар учун янада самаралироқ ҳисобланади.

ИЖТИМОИЙ ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

ХДП даромад ва уларнинг манбаларидан қатъи назар, бойликнинг ҳаддан ташқари концентрациясига адолатли солиқ солиш тизимини жорий қилишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди.

Бундай чоралар айрим ривожланган мамлакатларда аҳолининг иқтисодий табақалашувининг олдини олишга хизмат қилган. Масалан, АҚШда йиллик даромади 11 минг доллардан кам бўлган фуқароларга 10 фоизли солиқ ставкаси қўлланади, 578 минг доллардан юқори даромадлилар эса 37 фоизга солиқ тўлайди. Хитойда 36 минг юандан кам топганлар 3 фоиз, 960 минг юандан ортиқ топганлар эса 45 фоиз солиқ тўлайди. Францияда оила аъзоларининг қўшма даромадлари инобатга олинади: 11 294 евродан кам олаётганлар солиқ тўламайдилар, аммо 177 106 евродан ортиқ даромадлилар 45 фоиз ставка бўйича солиқ тўлайдилар.

Бойликнинг ҳаддан ташқари концентрациясига адолатли солиқ солиш тизими юқори даромад ва бойликка эга бўлган шахсларни солиққа тортиш орқали ижтимоий тенгсизликни камайтиришга ёрдам беради.

Демак, бундай солиқ тўлаш ҳар бир шахснинг мол-мулкка эга бўлиш ҳуқуқига дахл қилмайди, аксинча, давлат ва жамиятдаги ижтимоий барқарорликни таъминлашга ҳисса қўшишдек олижаноб фуқаролик бурчини бажаришга имкон беради. Зеро, тўланган солиқлар ҳисобидан мактаб, боғча, шифохоналар, йўллар каби ижтимоий объектлар барпо этилади, ногиронлиги бўлган шахслар ва эҳтиёжманд аҳоли қўллаб-қувватланади.

ШАФФОФЛИК КЕРАК

Давлат харидлари давлат, жамият ва бизнес ўртасидаги муносабатларнинг сифатини акс эттирувчи муҳим жараён саналади. Давлат органлари ва муассасалари бюджет маблағларидан самарали фойдаланиши лозимдир.

Бугунги кунда жаҳондаги ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, давлат харидлари тизимини такомиллаштирмай туриб, иқтисодий самарадорлик, бизнес субъектлари ўртасида ҳалол рақобат, коррупцияга қарши курашиш борасида юқори натижаларга эришиш қийин.

Мамлакатимизда давлат харидлари тизимини очиқлик ва шаффофлик тамойилига мувофиқлаштириш, шу орқали коррупция ва унинг оқибатларига, яширин иқтисодиётга қарши курашиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Бу борада норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар такомиллаштирилиб, харидлар тизими рақамлаштирилмоқда.

Шу билан бирга, амалиётда давлат харидларини амалга оширишда қонунбузилиш ҳолатлари учраб тургани бор гап.



Бундай вазиятларнинг олдини олиш ва шаффофлик бўлиши учун давлат харидлари соҳасида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш кўламини янада кенгайтириш, шунингдек, жараёнда иштирок этувчи тарафларнинг шартнома мажбуриятларига риоя этилишини мониторинг, таҳлил ва назорат қилишнинг комплекс тизимини яратиш энг мақбул чоралардан, албатта.

Соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш давлат харидлари жараёнидаги муаммо ва камчиликларни бартараф этишга шароит яратади.

Кўриб турганимиздек, бир-бирига ҳалқа мисоли боғланган бу жараёнлар пировардида ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлигига олиб келади. Халқ демократик партияси давлат харидлари тизимида шаффофликни ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтиришни ўта муҳим, деб ҳисоблайди.



ИЖТИМОИЙ СИЁСАТНИНГ “БАРОМЕТРИ”

Халқаро меҳнат ташкилотининг маълум қилишича, 2024 йилда дунё бўйича ишсизлар сони икки миллионга ошиши ва глобал ишсизлик даражаси ҳозирги 5,1 фоиздан 5,2 фоизга кўтарилиши кутилмоқда. Катта йигирматалик давлатларининг кўпида ихтиёрий даромадлар камаяди ва инфляция натижасида турмуш даражасининг пасайиши қисқа муддатда деярли тикланмайди.

Дунёда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам бу масала жуда долзарб. Мана шундай шароитда аҳолининг бандлик даражасини кўтариш, камбағалликни қисқартиришга қаратилган давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда. Бинобарин, бандлик соҳасига ижтимоий сиёсатнинг “барометри” дея таъриф бериш мумкин.

Эътиборлиси, бу соҳада Ўзбекистонда етарли тажриба тўпланди, ижтимоий-иқтисодий фаоллик ортди. Лекин ўзгаришларга қарамай, вақтинча ишсиз фуқаролар, асосан, ёшлар ва хотин-қизлар манфаатларини ҳимоялаш муҳим.

Халқ демократик партияси бу борада ишсизлик бўйича мажбурий ижтимоий суғурта миллий моделини жорий қилишни таклиф этмоқда. Бу шундай тизим бўладики, иш топишда қийналаётган, турли сабаблар билан иш жойидан айрилган, вақтинча ишсизлар қаторида турган инсонлар манзилли қўллаб-қувватланади. Айни пайтда у фуқароларни боқимандаликка эмас, ижтимоий-иқтисодий фаол бўлишга ундайди.

ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЛОКОМОТИВИ

Миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишида инвестициялар оқимини кенгайтириш, бунинг учун зарур иқтисодий-ҳуқуқий шароитни яратиш муҳим.

Иқтисодиётимизга маблағ киритиш истагида бўлган ҳар қандай инвесторни биринчи навбатда шароит, имконият қизиқтиради. Айниқса, қандай имтиёз ва преференциялар тақдим этилгани ҳам аҳамиятли.

Сўнгги йилларда иқтисодиётимиз қарийб икки баробар ўсди. Ўтган йил якуни бўйича бу ўсиш 5,5 фоизни ташкил қилди. Инфляция 9 фоизгача пасайди. Савдо айланмаси кўрсаткичлари ошмоқда. Валюта бозори ва олтин-валюта захиралари барқарорлиги сақлаб қолинмоқда.

Инвестициялар иқтисодий тараққиётимизнинг мустаҳкам драйвери ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонни хорижий инвесторлар учун ишончли ва узоқ муддатли ҳамкорга айлантириш мақсадида маҳаллий инвесторларни қўллаб-қувватлаш механизмларини янада такомиллаштириш долзарб эканини таъкидлаш жоиз. Бу Сайловолди дастуримиздаги муҳим ташаббуслардан биридир.

Содда қилиб айтганда, хорижий инвесторга ҳам, маҳаллий инвесторга ҳам бир кўз билан қаралиши муҳим. Бу экспортбоп саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, тармоқлараро кооперацияни чуқурлаштириш ва қўшилган қиймат занжирини ривожлантиришда катта аҳамият касб этади.

Иқтисодиётни ислоҳ қилиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ҳақида гап кетганда, Ўзбекистон Экологик партияси Сайловолди дастурининг иқтисодиёт соҳасидаги айрим ташаббуслари тадбиркорлар, хусусан, фермерлар учун салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, партиянинг “2030 йилга қадар пестицидлардан фойдаланиш ҳажмини 50 фоиз камайтириш” тўғрисидаги таклифи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар учун муайян қийинчиликлар олиб келиши мумкин. Фермер, деҳқонларимиз турли зараркунанда жонзотлар ва ҳашаротлардан ҳамда ўсимликлардан ҳимоя қилиш учун пестицидлар ишлатишга мажбур. Бўлмаса, маҳсулот нобуд бўлиши ёки ҳосилга зарар етиши мумкин. Умуман олганда, мазкур таклиф иқтисодий самарадорлиги жиҳатидан Экопартия томонидан чуқур ўйланмасдан кўтариб чиқилган масала, деб ҳисоблаймиз.



Хулоса ўрнида

Сайловолди тарғибот кампанияси қизғин давом этаётган даврда сайловчилар, юртдошларимиз сиёсий партияларнинг дастурий мақсад-ғоялари билан яқиндан танишмоқда, ўрганмоқда, таққосламоқда.

Иқтисодиётимиз ривожининг ҳозирги босқичида ислоҳотларнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш, ҳар бир инсон орзу-мақсадларига етиши учун шароит ва имконият яратиш, турмуш фаровонлиги бўйича давлатнинг ҳисобдорлигини ошириш долзарб аҳамиятга эгадир.

Партиямиз Сайловолди дастурида бу бўйича аниқ, ҳаётий таклиф-ташаббуслар илгари сурилган.

Иқтисодий ислоҳотларнинг ижтимоий самарадорлиги учун Халқ демократик партиясига ва номзодларига овоз беринг!

Тўлқин ТЎРАХОНОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари,
Қизилгул ҚОСИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

БИЗНИНГ НОМЗОДЛАРГА

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ЎТГАН СОНИДА ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДА ИЛГАРИ СУРИЛГАН МУҲИМ ҒОЯ ВА ТАШАББУЛАР МОҲИЯТИ, АҲАМИЯТИ ҲАМДА ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТИ ҲАҚИДА ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАРНИНГ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИНИ БЕРГАН ЭДИК. БУГУН ҲАМ БУ АНЪАНАНИ ДАВОМ ЭТТИРАМИЗ.

ШУНДАЙ ҚИЛИБ, ХДПДАН ХАЛҚ ВАКИЛЛИГИГА КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАРГА ПАРТИЯ ЭЛЕКТОРАТИ, УМУМАН ОЛГАНДА, ЮРТИМИЗДАГИ ҲАР БИР ИНСОННИНГ МУНОСИБ ШАРОИТДА ЯШАШИ, ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ ТЕНГ ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИ, ЖАМИЯТДА ИЖТИМОИЙ АДОЛАТНИ ҚАРОР ТОПТИРИШ ШАРТЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА НАВБАТДАГИ БЕШ ЙИЛ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН УСТУВОР МАҚСАДЛАР БОРАСИДА ЯНА ЮЗЛАНАМИЗ.

ЭҲТИЁЖМАНД ИНСОНЛАР УЧУН БЕПУЛ ЮРИДИК ЁРДАМ



37-ОКРУГ, СИРДАРЁ

Шоҳиста НАМОЗОВА,
Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Қонунчилик палатасига номзод:

— Ижтимоий адолат, манфаатлар тенглиги, инсон фаровонлиги – бу ҳар бир давлат ва халқнинг ишлаб чиқариш салоҳияти ривожида устувор мезонлар ҳисобланади. Жойларда сайловчилар билан учрашганимизда, аҳоли мурожаатларини ўрганганимизда шунга кўп марта гувоҳ бўламизки, бепул ҳуқуқий ёрдамга эҳтиёж сезаётган инсонларнинг сафи оз эмас. Айниқса, қишлоқ туманларда. Қонунни билмаслик ёки тушунмаслик, ҳуқуқий ахборот олиш имкониятининг йўқлиги сабабли баъзан жуда оддий масалаларда ҳам идорама-идора сарсон юришга мажбур қолаётганларни учратамиз. Пули бор одам-ку, ҳуқуқий низо ёки бошқа масалаларда адвокат ёллаб, ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қила олиши мумкин, бироқ қўл учида кун кўрадиган, кам таъминланган қатлам ҳам бор. Ва улар учун бепул, беғараз ва ихтиёрийлик асосидаги ҳуқуқий ёрдамлар кўрсатилиши шарт. Бу ҳар бир инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини адолатли таъминлашга хизмат қилади.

Бепул юридик ёрдам тегишли масала ёки ҳолат бўйича фуқарога ҳуқуқий маслаҳат, тушунтириш ва ахборот беришдан ташқари юрист-мутахассиснинг ҳуқуқий ҳужжатларни тузишда кўмаклашишини ҳам назарда тутади. Бундан ташқари, фуқаролик, маъмурий, маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят ишлари бўйича судларда адвокат иштироки давлат ҳисобидан таъминланадиган бепул юридик ёрдам мавжуд.

Тўғри, ўтган йили “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Унда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган фуқароларга – эҳтиёжманд шахсларга бепул юридик ёрдам кўрсатишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари белгилаб берилди. Лекин бу механизмларнинг амалда ишлаши учун юридик клиникалар сони ва иш сифатини оширишга талаб пайдо бўлмоқда.

Шу жиҳатдан ХДП дастурида кам даромадли фуқаролар учун юридик клиникалар тармоғини ривожлантиришга урғу берилаётгани айни муддаодир.

МОСЛАШУВЧАН МЕҲНАТ БОЗОРИ КЕРАК



23-ОКРУГ, НАМАНГАН

Анвархон ТЕМИРОВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Қонунчилик палатасига номзод:

— Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳар қандай даврда давлат ва жамият учун энг долзарб вазифалардан ҳисобланади. Бандликни таъминлаш эса ижтимоий ҳимоянинг асосий йўналишларидан биридир.

Партиямиз фикрича, ижтимоий ҳимоя тизими тўғри йўлга қўйилса, эҳтиёжманд фуқаролар жамиятда ўз ўрнини топади. Масалан, инсон ишлаши ва ўз юртига фойда келтириши учун иш ўринлари яратиш зарур. Ногиронлиги бор инсонларга шароит яратиб берсангиз, улар жамиятга мослашиб, ўз ўрнини топа оладилар ҳамда мамлакат ривожига ҳисса қўшиш ҳаракатида бўладилар. Бандлик ҳақида сўз борар экан, ўзини ўзи банд қилганлар учун шарт-шароитларни яхшилаш масаласига тўхталиш жоиз, албатта.

Ўз ишини ўзи топиб, уни ўзи бажариш орқали даромад кўрадиган инсонлар ўзини ўзи банд қилган ҳисобланади. Ўзини ўзи банд қилиш билан боғлиқ фаолият турининг фойдали жиҳатлари кўп. Аввало, уйда ишлашнинг қонуний имконияти яратилади. Бунда уларнинг ижтимоий ҳимояси ҳам таъминланади, яъни, улар пенсия ҳақида қайғурмаса ҳам бўлаверади. Чунки бу турдаги фаолият билан шуғулланган давр иш стажига қўшилади. Улар учун даромад солиғи ёки бошқа йиғимлар ҳам йўқ. Фақат бир йилда БҲМнинг бир баравари миқдорида ижтимоий солиқ тўланса, кифоя.

Ҳамюртларимиз орасида ўзига қулай иш тополмаслиги натижасида меҳнат шартномаси, доимий иш ҳақига эга бўлмаган, бироқ турли мавсумий меҳнат билан банд бўлган ёки оиласида томорқа билан шуғулланиб, даромад топадиганлар кўпчиликни ташкил этади. Масалан, репетиторлар, энагалар, сантехниклар, сартарошлар, курьерлар, автомобиль ювувчилари, ҳунармандлар, фаррошлар, тикувчилар, дастурчилар ва яна кўплаб касб эгалари ўзини ўзи банд қилувчилар бўлиши мумкин. Бундан ташқари, қишлоқларда, чекка ҳудудларда уйида сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш, сотиш ёки қулолчилик, гилам тўқиш, гипс ва ганчдан буюмлар ясаш орқали даромад топаётганлар бор. Меҳнатга лаёқатли ёшдаги ҳар бир киши ўз қизиқиши ва қобилиятига қараб ўзини ўзи банд қилиши мумкин. Улар якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтишлари шарт эмас.

Халқ демократик партияси ўзини ўзи банд қилганлар учун шарт-шароитларни янада яхшилаш ва бундай фаолият турлари рўйхатини давр талаблари асосида кенгайтириш таклифини Сайловолди дастурига киритди. Хўш, нега?

Ўзини ўзи банд қилганлар учун фаолият турларини кенгайтириш янада мослашувчан меҳнат бозорини яратишга ёрдам беради. Ушбу ташаббус ҳар бир фуқаро ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши ва мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига ҳисса қўшиши мумкин бўлган янада инклюзив ва мослашувчан иқтисодиётни яратишга қаратилган. Ўзини ўзи банд қилганлар учун шароитларни яхшилаш узоқ муддатли иқтисодий ўсиш ва ижтимоий фаровонликка олиб келади.

ФАРМАЦЕВТИКА БОЗОРИ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ ЗАРУР



11-ОКРУГ, АНДИЖОН

Шаҳноза ЭГАМБЕРДИЕВА,
Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Қонунчилик палатасига номзод:

— Охирги бир ярим йил ичида фармацевтика тармоғини ривожлантириш, дори воситалари ва тиббий буюмларнинг арзонлигини ва эркин муомаласини таъминлашга қаратилган ўндан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Фармацевтика тармоғининг давлат бошқаруви тизими қайта кўриб чиқилди, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди.

Бироқ сўнгги вақтларда жамиятимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар фармацевтика тизимини ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатмоқда. Қалбаки дори-дармонларнинг ишлаб чиқарилиши, сотувга қўйилиши, фармацевтика бозоридаги нарх-наво борасида одамларимиз эътирозига сабаб бўлаётган ҳолатлар жуда кўп. Шу нуқтаи назардан ХДП Сайловолди дастурида фармацевтикада назоратни кучайтириш, “Дори-дармонлар ва тиббий воситалар нархларини давлат томонидан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш ташаббуси ҳам келтирилгани миллатимиз генофондини сақлаш, халқимизнинг узоқ умр кечиришини таъминлаш, соғлом авлодни вояга етказишдек стратегик аҳамият касб этади.

Маълумотларга кўра, республикамизда 16 мингга яқин дорихоналар мавжуд бўлиб, биргина пойтахтнинг ўзида 2 мингдан ортиқ дорихоналар хизмат кўрсатмоқда. Яъни, ҳар қадамда дорихонага дуч келамиз. Бу эса аҳолига рецептсиз дори сотиш ҳолатларига чек қўйиш ва назоратни кучайтиришни мушкуллаштирмоқда. Бир турдаги дорининг турли дорихоналарда турлича нархда сотилиши, айрим “учар” тадбиркорларнинг мавсумий касалликлар авж олган паллада талаб юқори бўлган дори воситаларини қиммат нархларда пуллаши ва бу аҳолининг эҳтиёжманд қатлами учун оғир вазиятни пайдо қилаётгани ҳам ҳақиқат.

Мана шундай ўзибўларчиликларга барҳам бериш учун фармацевтикада назоратни кучайтириш шарт. Давлат фармацевтика бозоридаги муаммоларни тегишли қонун ҳужжатлари билан тартибга солиши муҳим.

Ўйлайманки, партиямизнинг мана шундай долзарб масалаларга ечим сифатида таклиф этаётган ғоялари халқимизни асло бефарқ қолдирмайди.

» ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ РИВОЖЛАНИШДА ИЖТИМОИЙ УСТУВОРЛИККА УРҒУ БЕРИБ, ТАЪЛИМДА ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ОРҚАЛИ БОЛАЛАРНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ЙЎЛИДА МУҲИМ ТАШАББУСЛАРНИ ИЛГАРИ СУРИБ КЕЛМОҚДА.

ИНКЛЮЗИВ ЖАМИЯТГА ХОС



64-ОКРУГ, ҚАШҚАДАРЁ

Шарофиддин НАЗАРОВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Қонунчилик палатасига номзод:

— Мамлакатимиз ижтимоий сиёсатида сезиларли қадамлар қўйилмоқда. Партиямизнинг ижтимоий идеали бўлган ижтимоий демократик давлатни барпо этиш тамойили янги таҳрирдаги Конституциямизда муҳрланди. Давлатнинг бу соҳадаги мажбуриятлари уч бараварга ошди. Давлат зиммасига аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларининг ҳаёти сифатини ошириш, айниқса, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ва давлат ҳаётида тўлақонли иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратиш чораларини кўриш мажбурияти юкланди.

Минимал истеъмол харажатларини эълон қилиш амалиёти йўлга қўйилди. Пенсиялар, нафақалар ва бошқа турдаги ижтимоий ёрдамнинг миқдорлари ундан оз бўлиши мумкин эмаслиги белгиланди.

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестр” ахборот тизими ишга туширилди. Бирлашган Миллатлар ташкилотининг “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияси Ўзбекистонда ратификация қилинди. Бепул ижтимоий хизматлар рўйхати тасдиқланиши ва қўлланишига эришилди. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган аҳолининг зарур товар ва хизматлар учун қилган харажатларига қўшилган қиймат солиғи қайтарилиши жорий қилинди.

Халқ демократик партияси ҳар доим ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ-манфаатларини қатъий туриб ҳимоя қилади. Бу бизнинг ижтимоий адолат тамойилларига содиқлигимизни билдиради. Янги Сайловолди дастуримизда ҳам ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ-манфаатларига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, парламент ва маҳаллий Кенгашларга сайловларда ҳамда давлат фуқаролик хизматида “ногиронлиги бўлган шахслар учун квота” жорий этиш таклифи ўрин олган.

Бугунги кунда дунёнинг ривожланган давлатларида инклюзив жамият тушунчаси кенг тарқалган. Ҳар қандай мамлакат юксак тараққиётга эришиши учун унда яшовчи ҳар бир шахс фаол фуқаролик позициясини эгаллаши шарт. Айнан шу меъёр ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳам жамиятимиздаги фаоллиги янада ошишида ўз тасдиғини топади.

ТАБАҚАЛАШГАН ТАРИФЛАР ЗАРУРАТИ



60-ОКРУГ, ХОРАЗМ

Муқаддас МАШАРИПОВА,
Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Қонунчилик палатасига номзод:

— Тараққиётга эришиш, олдимизга қўйган ялпи ички маҳсулот ва экспорт ҳажмини каррасига ошириш, саноатни, ахборот технологияларини жадал ривожлантириш, давлатни, халқни бой қилишдек улкан марралар илдизи мактаблар билан туташдир. Чунки бугун мактабларда сабоқ чиқараётган эртамиз эгалари тимсолида мамлакатимиз тақдирини кўрамиз.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ривожланишда ижтимоий устуворликка урғу бериб, таълимда тенгликни таъминлаш орқали болаларнинг конституциявий ҳуқуқларини кафолатлаш йўлида муҳим ташаббусларни илгари суриб келмоқда. Бу масала 2025-2029 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастуримизда ҳам ўз ифодасини топган.

Жумладан, мактаб ўқувчиларига жамоат транспортидан фойдаланиши учун табақалашган тарифларни жорий этиш таклифи киритилган.

Тўғри, бу ташаббусни рўёбга чиқариш осон кечмаслиги мумкин. Айниқса, оқибатларини олдиндан прогноз қилиш мушкул бўлган ҳозирги глобал иқтисодий ўзгаришлар даврида. Бироқ шундай ҳаётий факторлар борки, мактаб ёшидаги болаларга исталган жамоат транспортидан фойдаланиши учун имкон қадар енгиллик яратиш хомхаёл эмас, балки айни зарурат экани тобора маълум бўлиб бормоқда. Болаларни мактабга қатнашда турли кўнгилсизликлардан, фалокатлардан асраш учун ҳам керак бундай имконият.

ХДПнинг юқоридаги таклифи мактаб ёшидаги болаларни ижтимоий ҳимоялаш, улар ҳаётига хавф солувчи турли хатарларнинг олдини олиш мақсадлари билан уйғундир. Қолаверса, кўп болали, кам таъминланган оилалар учун маълум даражада иқтисодий мадад бўлса, яна бир томондан ва асосийси, замон талабларига мос таълим инфратузилмасини, фарзандларимиз учун ҳар томонлама қулайликни яратишга хизмат қилади.

ОВОЗ БЕРИНГ!

» ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИНИ ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИДА ИШЧИ ГУРУҲ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЧЕККА ҲУДУДЛАРИГАЧА ЧИҚИБ, ХОНАДОНМА-ХОНАДОН ЮРИБ, ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ОИЛАЛАР, ПЕНСИОНЕРЛАР, НОГИРОНЛАР, ИШ ТОПИШДА ҚИЙИНЧИЛИККА ДУЧ КЕЛАЁТГАН МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ УЧРАШДИ, УЛАРНИНГ МУАММОЛАРИ ВА ТАКЛИФЛАРИНИ ЎРГАНДИ.

ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИ



Одилжон ИМИНОВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Қонунчилик палатасига номзод:

— Бугун мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида партиялар, парламент, маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатларнинг ўрни ва таъсири жонланиб, парламентнинг, жамоатчиликнинг назорат функцияси кучайиб бормоқда.

Янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқ парламент палаталарининг, айниқса, қуйи палатанинг мутлақ ваколатлари ҳам оширилди. Шунингдек, ҳокимлар ва маҳаллий Кенгашларнинг ваколатлари тақсимланишига асосланган маҳаллий давлат ҳокимиятининг янги модели жорий этилди. Унга кўра, маҳаллий давлат бошқарувида вакиллик ва ижро этувчи органларнинг ваколатлари бир-биридан ажратилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастурини тайёрлаш жараёнида ишчи гуруҳ мамлакатимизнинг чекка ҳудудларигача чиқиб, хонадонма-хонадон юриб, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, пенсионерлар, ногиронлар, иш топишда қийинчиликка дуч келаётган меҳнат мигрантлари билан юзма-юз учрашди, уларнинг муаммолари ва таклифларини ўрганди. Шунга кўра, давлат ва жамиятни ривожлантириш, ҳуқуқлар ва имкониятлар тенглигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш йўналишларида қатор таклиф-ташаббуслар ишлаб чиқилди.

Сайловолди дастуримизда сиёсий партиялар, уларнинг депутатлик бирлашмаларининг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш вазифасини қўйдик. Бу нимага керак? Бу, аввало, давлат бошқарувида фуқаролик жамияти институтларининг бевосита иштирокини кенгайтириш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожи учун ҳаётий ташаббуслар кўпайишига туртки беради. Шу билан бир қаторда халқ ҳокимиятчилигининг ривожига хизмат қилади. Бундан барча фуқароларнинг, жумладан, аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари ҳам вакиллик демократияси институтлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа нодавлат институтлар орқали кенг кўламли ислоҳотларда иштирок этишини таъминлаш мақсади кўзланган.

Фикримизча, бу халқ ҳокимиятчилигига асосланган демократик бошқарув тизимини ислоҳ этишга замин яратади. Муҳими, ижро ҳокимияти томонидан ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда сиёсий партиялар фракциялари билан маслаҳатлашувлар ўтказиш амалиёти кучаяди.

КОММУНАЛ ХИЗМАТ ВА АҲОЛИ МАНФААТИ



Жамол АЧИЛОВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Қонунчилик палатасига номзод:

— Коммунал хизмат кўрсатишнинг ривожлангани нафақат жамият маданияти, маиший турмуш тарзи даражасини ифода этади, балки иқтисодий салоҳият ўсиши ва инвестициялар жалб қилиш учун шарт-шароитлар яратишга ҳам хизмат қилади. Айнан шунинг учун уй-жой ва коммунал хўжалиги соҳасидаги ислоҳотлар ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг узвий таркибий қисми ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, Халқ демократик партияси "Коммунал хизматлар нархлари ва тарифларни тартибга солиш тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиш таклифи билан чиқмоқда.

Айтиш керакки, ўтказилган таҳлиллар бу соҳадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, уй-жой-коммунал тизимини ривожлантиришни янги босқичга кўтариш зарурлигини кўрсатмоқда. Коммунал хизматлар сифати ва тарифлари номутаносиблиги аҳоли эътирозларига сабаб бўлаётгани маълум. Айниқса, ҳаво ҳарорати пасайиб, кунлар совиганда бу мавзу янада долзарблашади. Зеро, коммунал соҳа аҳолининг кайфиятини белгилайдиган асосий масалалардан биридир. Аҳоли турмуш даражаси ва сифатини яхшилашда муҳим рол ўйнагани туфайли ҳам бу масала ҳар доим кун тартибидан тушмайди.

Албатта, тизимда барқарорликни таъминлаш, коммунал хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, нархлар ва тарифларни тартибга солиш учун соҳанинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш талаб этилади. Боз устига табиий ресурсларнинг чеклангани уларни тежаш, оқилона фойдаланиш ва самарадорлигини ошириш чораларини кўриш заруратини юзага келтирмоқда.

Истаймизми-йўқми, тоза ичимлик суви бутун дунёда янада долзарблашиб бораверади. Аҳоли сонининг ортиши билан коммунал, яшаш эҳтиёжлари учун сув истеъмоли йил сайин ортади. Уйларда иссиқлик энергиясининг ўртача истеъмоли учун катта газ ва электр захираси талаб қилинади. Нархлар ва тарифларни одамлар учун ҳам, давлат манфаатлари учун ҳам мувофиқлаштиришни соҳа ривожи учун катта даъват ва улкан имконият, деб биламиз.

Бу соҳада ишлаб чиқиладиган янги қонун ҳужжатлари юқоридаги муаммолар билан бирга, коммунал соҳага замонавий технологияларни киритишни янада жадаллаштириш, коммунал хўжалиги хизматларини ташкил этишда, коммунал хизматлар нархларининг ўзгариши, хизматлар учун тўловларни ўз вақтида ундирилиши каби муаммоларни самарали ҳал этишга қаратилади.

ХАЛҚАРО ТАЛАБЛАРГА МОС КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ЙЎЛИДА



Лилия АЧИЛОВА,
Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Қонунчилик палатасига номзод:

— Бугунги жадал глобаллашув даврида хорижий тилларини мукаммал билиш, рақамли технологияларни ўзлаштириш замонавий инсон ҳаётида ва иш фаолиятида ҳал қилувчи ўрин тутмоқда. Шунинг баробарида мамлакатимизнинг халқаро ҳамкорлик алоқалари кун сайин кенгайиб бораётгани, жаҳон меҳнат бозорига интеграциялашуви чет тилларини пухта биладиган кадрларга эҳтиёжни оширмоқда.

Замонавий ахборот технологиялари ҳам шундай, яъни, бугунги куннинг энг талабгир соҳалардан бири. Чунки ҳеч биримиз бу технологияларсиз ҳаётимизни тасаввур қила олмаймиз. Аслида рақамли саводхонлик жуда кенг тушунча. Бу ахборот олиш, билим олиш, касб-ҳунар эгаллаш, меҳнат фаолияти билан шуғулланиш каби инсон ҳаётининг муҳим йўналишларини қамраб олади.

Очиғини айтиш керак, мактабларда, айниқса, чекка ҳудудлардаги таълим муассасаларида айнан ушбу масалада йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларимиз бор.

ҲДП Сайловолди дастурида бу муаммоларга ечим сифатида чет тиллари ҳамда IT бўйича мавзуларни чуқурроқ тушуниш ва теран ўзлаштириш учун мактабларда назарий билим ҳамда амалий машғулотларни ўз ичига олган ўқув соатларни, дарсларни кўпайтириш зарурати назарда тутилган. Шу орқали биз мактаб битирувчиларининг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини оширишимиз мумкин.

Таълим ва тараққиёт ёнма-ён юради, иккаласи бир-бирига хизмат қилувчи драйвер. Таълим соҳасида ҳозиргача рўй берган ўзгаришлар улкан меҳнат, катта эътибор ортидан келмоқда. Ҳали олдинда вазифа кўп. Кўзланган марраларга эришилганида мамлакатимизнинг илмий ва кадрлар салоҳияти, инсон капитали юксалади, миллат, халқ, давлат сифатида интеллектуал даражамиз ривожланади.

Яна бир гап. Чет тилларини, дастурлашни ўрганиш учун мактабдан сўнг ўқув курсларига, репетиторларга бориб, вақт, пул сарфлаётган қанча ёшларимиз бор. Шунинг ўзи ҳам умумтаълим мактабларида бу йўналишларда ўқитишни янада чуқурлаштиришга эҳтиёж борлигини кўрсатади.

НОҚОНУНИЙ МИГРАЦИЯНИНГ САМАРАЛИ ЕЧИМИ



Гулноза САТТАРОВА,
Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Қонунчилик палатасига номзод:

— Маълумки, юртимизда кейинги йилларда аҳоли бандлиги ва иқтисодий фаоллигини ошириш мақсадида янги иш ўринларини ташкил этиш ва мавжуд иш ўринларининг барқарорлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бунда асосий эътибор ишсизликни камайтириш, меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларнинг, ижтимоий заиф қатлам, хусусан, аёллар, ногиронлар, жазони ўтаб келган шахслар, одам савдоси жабрдийдалари, ташқи миграция иштирокчилари ва бошқаларнинг бандлигини оширишга қаратилмоқда.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, кўпгина давлатлар меҳнат ресурсларининг маълум бир қисми бошқа давлатларда, асосан ҳудудий яқин мамлакатларда меҳнат фаолиятини амалга оширишлари ва мамлакат иқтисодиётига сармоя олиб киришлари кузатилади.

XXI асрда жаҳон иқтисодиётининг интеграциялашуви ва либераллашуви жараёнида ишчи кучи миграциясининг аҳамияти мунтазам ошиб бормоқда. Айнан шу боис ишчи кучи миграциясининг ижтимоий-иқтисодий мазмун ва моҳиятини очиб бериш унинг қанчалик муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади. Шуни таъкидлаш керакки, кишилар хорижда ишлашга фақат камбағал бўлганликлари ёки ўз уйларида иш топа олмагани учунгина ёки фақат моддий таъминотни ўйлаб интилмайдилар. Дунёда ишчи кучи кўчиб юриши, меҳнат алмашинуви объектив воқелик ҳисобланади. Унда асосан янгиликларни билишга, замонавий технологияларда қатнашиш, илғор тажрибалар орттиришга интилувчи инсонлар хорижда меҳнат фаолиятини олиб боришдан манфаатдордир.

Дастуримизда бу тоифа шахсларни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам муҳим вазифалар белгиланган.

Биз Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш, агентликнинг хорижда меҳнат қилаётган фуқароларимизни қўллаб-қувватлаш бўйича масъулиятини ошириш тарафдоримиз. Тўғриси, кўп одамларимиз ҳеч қандай малака талаб қилмайдиган ишларга ўзлари мустақил равишда кетаяпти. Аммо улар орасида меҳнат ва яшаш шароитлари яхши бўлмаган, касби, даромади паст жойларда ишлаётганлари, ноқонуний миграция туфайли инсоний ҳуқуқларига дахл қилинаётган ҳолатлар ҳам бор. Демак, хорижда ишлаш истагида бўлган, аммо касбий малака ёки чет тилни билмайдиган фуқаролар билан кўпроқ ишлашимиз керак. Хорижга қонуний кетиш йўллари, ишчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларига доир тушунтириш ва тарғибот ишларини янгича ёндашувларда йўлга қўйиш лозим. Бу масалада, албатта, асосий масъулият Ташқи меҳнат миграцияси агентлигига тушади. Уларнинг фаолиятида очиқлик ва ошкоралик таъминланса, жамоатчилик ва фуқаролар олдида ҳисобдорлик кучаяди, хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш бўйича масъулият ошади, деб ўйлаймиз. Бу адолатли, шаффоф тизимни яратишда муҳим, албатта.

ТИРБАНДЛИК ЖИДДИЙ МУАММО ТУСИНИ ОЛМОҚДА



Шокиржон АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Қонунчилик палатасига номзод:

— Сўнгги пайтларда одамларимизда норозилик кайфиятини пайдо қилаётган муаммолардан бири – бу йўлларимиз билан боғлиқ. Тобора тирбандликнинг ортиб бораётгани, ҳайдовчилар ва пиёдалар учун ҳаракатланишдаги ноқулайликлар, мудҳиш йўл-транспорт ҳодисаларининг юз бераётгани, энг ёмони, ЙТҲ оқибатида болаларнинг нобуд бўлаётгани чиндан ҳам таассуфли. Таҳлиллар шуни кўрсатяптики, бундай нохуш ҳолатларга мавжуд йўл инфратузилмасининг талабга жавоб бермаслиги ҳам сабаб бўлмоқда. Қолаверса, мана шундай инфратузилма туфайли тирбандлик жиддий муаммо тусини олмоқда.

Эътибор берсак, йўлларимиз, айниқса, шаҳар кўчалари автомобиллар билан жуда тиғиз бўлиб боряпти. Статистикага кўра, 2024 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистонда жисмоний шахсларга тегишли бўлган енгил автомобиллар сони 3,8 миллион донани ташкил этган. Яъни, ҳар минг кишига 103 тадан автомобиль тўғри келган. Ўтган тўққиз ой ичида бу рақам ошса, ошганки, асло камайгани йўқ.

Хуллас, бугунги кунда шаҳар ва қишлоқларимизда қурилиш ишлари жадал суръатга кирган бир пайтда айнан пиёдалар ва ҳайдовчилар учун эркин ҳаракатланишни таъминлаш масаласига жиддий эътибор қаратиш вақти келди.

ХДП Сайловолди дастурининг реал ҳаётимизга, халқимиз турмуш тарзига яқинлигини ҳатто мана шу масалага ҳам тўхталиб ўтилганидан билса бўлади.

Партиямиз қурилишга оид талабларни кучайтириш, шу жумладан, қурилишларда яшил зона, мактаб, боғча, поликлиника, автотураргоҳ каби талабларни инобатга олиш, буни қонун даражасига кўтариш таклифи билан чиқяпмиз.

Қурилишнинг кўп бўлгани яхши. Аммо қачонки бу тартибли ва сифатли бўлса. Уй-жой қурилишида мактаб, боғча, поликлиника эҳтиёжлари ҳам ҳисобга олинса, бу одамларнинг вақтини тежайди, йўллардаги тирбандликлар камаяди, деб ўйлаймиз.

Бундан ташқари, қурилишда автотураргоҳлар муаммосини ҳам ҳал қилиш керак. Автотураргоҳлар кам бўлгани учун одамлар дуч келган жойда автомашинасини қўйиб кетади, бу ҳаракат учун кўп ноқулайликлар келтириб чиқаради, хавфсизликни таъминлашга тўсиқ бўлади. Қолаверса, бу каби муаммоларнинг ҳал этилмай келиши жамиятнинг турли қатламлари орасида норозилик кайфиятини уйғотади.



Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

Сайлов куни яқинлашгани сари жараён ниҳоятда авж палласига етмоқда. Сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар ҳудудларда аҳоли билан мулоқот қилиб, тарғибот-ташвиқот ишларини тобора кучайтиришмоқда.

Номзодларнинг, тарғибот ишларида қатнашаётган партия фаолларининг айтишича, сайловолди жараёнларида бир жиҳат яққол кўзга ташланмоқда – халқимизнинг сиёсий фаоллиги, маданияти анча юксалган. Одамлар номзодларга дангал саволлар бераяпти, аниқ масалалар қўймоқда. Бу кучли фуқаролик жамияти қарор топганидан далолат, албатта. Бугунги сайловчи – ўз ҳуқуқини биладиган, фикрини бемалол айта оладиган инсон. Бу эса сиёсий партиялардан ҳам, депутатликка номзодлардан ҳам тарғиботни кучайтиришни талаб қилади.

УЧРАШУВЛАР КЎТАРИНКИ РУҲДА ЎТМОҚДА

Тошкент кимё технологиялари университети Шаҳрисабз филиалида Ўзбекистон Халқ демократик партияси раҳбарларининг асосий электорат қатлами вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди. Сайловолди ташвиқоти муносабати билан ўтказилган йиғилишда бюджет ва хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари, журналист ва блогерлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Учрашувдан кўзланган асосий мақсад жорий йил 27 октябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига бўлиб ўтадиган сайловларнинг аввалги сайловлардан фарқли жиҳатлари ва ўзига хослиги, Халқ демократик партиясининг сайловолди платформаси, жумладан, партиядан депутатликка номзод сифатида кўрсатилганларнинг сайловолди дастурлари билан таништиришдир.

Йиғилишда маърузачилар стратегик аҳамиятга эга компаниялар устидан давлат назоратини сақлаб қолиш, уларни хусусийлаштиришни қонун даражасида тақиқлаш, вазирлик ва идоралар томонидан давлат хизматларини кўрсатиш ёки жарима солиш натижасида тушадиган барча тушумларни тўлиқлигича Давлат бюджетига йўналтириш, ўзини ўзи банд қилганлар ва меҳнат мигрантлари учун шарт-шароитларни яхшилаш, шу жумладан, ўзини ўзи банд қилган сифатида шуғулланиш мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатини кенгайтириш, ташкиллаштирилган ва тартибли миграцияни амалга оширишга урғу бериш масалалари хусусида сўз юритди.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда Ўзбекистон Республикаси “ижтимоий давлат” экани қатъий мустаҳкамланди. Бу йўналишда белгиланган чора-тадбирлар кўп жиҳатдан Халқ демократик партиясининг дастури ҳамда мақсад ва вазифаларига ҳар томонлама мос келади. Жумладан, кам таъминланган, ногиронлиги бор фуқаролар, қаровчисиз қолган якка-ёлғиз қариялар манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш масалаларининг қонун ҳужжатларида мустаҳкамланишига эришиш партия илгари сурган ғояларга ҳамоҳанг ва уйғундир.

Партия ҳар бир инсон учун ижтимоий тенглик ва адолат тамойиллари асосида муносиб яшаш шароити яратиш, ижтимоий тафовутларни камайтириш, муҳтожларга ёрдам бериш, камбағалликни қисқартириш, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи билан таъминлаш бўйича самарали сиёсат юритиш ғояларини тарғиб қилади.

Давлатнинг иқтисодиётдаги фаол иштироки, ижтимоий неъматларнинг тенг тақсимоти, ишлаб чиқаришда умумий мулк устуворлигини таъминлашдан иборат ғояларни илгари суради. Давлат бошқаруви соҳасидаги ғояларида ижтимоий тенглик ва халқ ҳокимиятчилигига асосланган очиқ, шаффоф, халқчил ва демократик давлат бошқаруви тизимини жорий этиш тарафдори.

Партия қонун устуворлигини янада мустаҳкамлаш асосида фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича суд механизмларининг мақбуллигини таъминлаш, ҳуқуқ, мажбурият ва имкониятлар тенглигига қатъий амал қилиш ғояларини илгари суради.

Учрашувда ана шулар ҳақида сўз борар экан, бўлиб ўтадиган янги усулдаги сайловнинг мазмуни, фуқароларнинг ҳаётидаги тутган ўрни ҳақида ҳам атрофлича маълумот берилди. Шунингдек, электорат вакиллари тинглаб, олган хулосалари асосида ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.



***

Термиз давлат университетида Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзодлар Мавжуда Ҳасанова ҳамда Шаҳноза Нормуродоваларнинг сайловчилар билан ўтказилган учрашувида ҳам бу фикрлар яққол ўз исботини топди. Мулоқотда партия Сайловолди дастуридаги ҳаётий ва халқчил ғоялар, хусусан, турмуш фаровонлигини ошириш, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга қаратилган таклифлар кўпчиликда катта қизиқиш уйғотганига гувоҳ бўлдик.

Тадбирда партиянинг янги Сайловолди дастурида белгиланган мақсад ва вазифалар ҳақида атрофлича сўз юритилиб, давлат ва жамиятни ривожлантириш, ҳуқуқлар ва имкониятлар тенглигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритишга оид кўплаб таклиф ва ташаббуслар илгари сурилгани тўғрисида батафсил тўхталиб ўтилди. Партия ўз дастурий мақсадларга эришиш йўлида кейинги беш йиллик учун 10 та йўналиш 15 та стратегик қадамдан иборат устувор вазифалар белгилаб олингани таъкидланди.

Депутатликка номзод Мавжуда Ҳасанованинг фикрича, ижтимоий ҳимоя қилиш тизими барча эҳтиёжманд фуқароларни тўлиқ қамраб олиши зарур. Айни пайтда дастур билан яқиндан танишганлар дастурда кам таъминланган, лекин, боқимандалик кайфиятида юрган фуқароларни жамиятимизнинг фаол иштирокчисига айлантириш масалалари ўрин олганлиги бўйича илиқ фикрларини билдираяпти. Айтайлик, кимдадир ишлаб чиқаришнинг қайсидир турига қизиқиш бор. Лекин у вақтинчалик ишсиз. Ўзи қизиққан ва қўлидан келадиган ишни бошлаши учун маблағга эҳтиёжи бор. Демак, уларни қўллаб-қувватлаб, керак бўлса, молиявий томондан ёрдам берилса, у қўрқмасдан ўз ишини бошлайди. Шу орқали жамиятда боқимандалик кайфияти бартараф этилади, қанчадан-қанча ишсиз фуқаролар жамиятнинг фаол аъзосига айланади.

> **“ПАРТИЯ ҲАР БИР ИНСОН УЧУН ИЖТИМОИЙ ТЕНГЛИК ВА АДОЛАТ ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА МУНОСИБ ЯШАШ ШАРОИТИ ЯРАТИШ, ИЖТИМОИЙ ТАФОВУТЛАРНИ КАМАЙТИРИШ, МУҲТОЖЛАРГА ЁРДАМ БЕРИШ, КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ, АҲОЛИНИ ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ВА КАФОЛАТЛИ ДАРОМАД МАНБАИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА САМАРАЛИ СИЁСАТ ЮРИТИШ ҒОЯЛАРИНИ ТАРҒИБ ҚИЛАДИ.**

Шунингдек, мулоқотда юртдошларимиз сайловларда фаол иштирок этишга чақирилди.

***

Мамлакатни ҳар томонлама тараққий эттириш, халқ фаровонлигига эришиш, давлат бошқаруви самарадорлигини оширишда сайловлар муҳим аҳамият касб этади. Дунё давлатчилиги, кучли жамиятни ривожлантириш, ҳуқуқлар ва имкониятлар тенглигини таъминлашдек умуминсоний ғояларга таянгани учун Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ғоялари ҳар доим устувор ва долзарб бўлиб келмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашларга сайловолди тарғибот учрашувлари Сурхондарё вилоятида ҳам фаол олиб борилмоқда.

Денов тадбиркорлик ва педагогика институтида бўлиб ўтган учрашув ҳам жуда қизғин ва очиқ мулоқот шаклида ўтказилди. Унда партиянинг янги Сайловолди дастури ҳамда партиядан депутатликка кўрсатилган номзодлар халққа таништирилди.

Партия иқтисодиёт ривожланиши, аҳолининг кайфияти, ҳаётга муносабатини белгилашда коммунал соҳа, энергетика ҳолати муҳим аҳамиятга эга, деб билади. Шу мақсадда партия томонидан энергетика ва моддий ресурсларнинг катта йўқотишларига йўл қўймаслик, коммунал хизматлар етказиб берувчиларининг монополиясига барҳам бериш кўзланган.





– БИЗ ҲАР БИР ОИЛАНИНГ МУНОСИБ ҲАЁТ КЕЧИРИШИНИ ТАЪМИНЛАШ, МАЛАКАЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ, ЕТАРЛИ ДАРОМАДГА ЭГА БЎЛИШ, ЖАМИЯТДА БАРҚАРОРЛИКНИ САҚЛАШ УЧУН ҲУҚУҚИЙ ТЕНГЛИК, УНДАН ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ТЕНГ ИМКОНИЯТЛАР БЕРИЛИШИ ТАРАФДОРИМИЗ. САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИМИЗДА БАХТЛИ БОЛАЛИК, ИШОНЧЛИ КЕЛАЖАК, ҚАРИЯЛАРГА ҒАМХЎРЛИК БОРАСИДА ҲАЁТИЙ ТАКЛИФЛАРНИ ИЛГАРИ СУРАЯПМИЗ, – ДЕДИ АБРОР ҚУРБОНОВ.

Коммунал хизматлар ва уй-жой фондидан фойдаланиш бўйича хизматлар нархлари ва тарифларни белгилашни тартибга солиш учун “Коммунал хизматлар нархлари ва тарифларни тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш таклиф этилмоқда. Қонунда кўп квартирали уй-жой фондини бошқариш ва унга хизмат кўрсатиш усулларини қайта кўриб чиқиш, кўп квартирали уйларнинг жойлашуви, муҳандислик-коммуникацияларига уланганлик ҳолати, коммунал инфратузилма объектлари ва ободонлаштириш элементларининг мансублигига қараб хизмат кўрсатишни ташкил этиш, кўп квартирали уйларни бошқариш органлари ходимларини, биринчи галда, раҳбар ходимларни малака ошириш тизимини йўлга қўйиш назарда тутилади.

Шунингдек, кўп қаватли уйларга туташ бўлган жойларда замонавий болалар майдончаларини қуриш, реконструкция қилиш ва сақлаш учун Уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқарув сервис компанияларини масъул этиб белгилаш, бошқарув сервис компаниялари фаолиятига қўйилган талабларни кучайтириш, уларни аҳолига сифатли хизмат кўрсатиши, шаффофлик, ҳисобдорлик даражасини, камчиликларни қисқа муддатларда бартараф этиш салоҳиятини ошириш, фуқаро коммунал хизматлардан асоссиз ёки таъминотчининг айби билан узилган тақдирда таъминотчи томонидан фуқарога компенсация тўлаш тизимини жорий этиш бўйича ҳам ташаббуслар илгари сурилмоқда.



Мулоқотда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилиб, ўз фикр-мулоҳазаларини ҳам билдиришди. Учрашув давомида сайловчилардан сиёсий жараёнларга бефарқ бўлмаслик, юрт келажаги, равнақига ҳисса қўшиш учун фаол бўлиш ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва унинг номзодларига овоз беришга чақирилди.

***

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Тошкент вилояти фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари, волонтёрлик гуруҳлари томонидан Янгийўл шаҳрида тарғибот тадбири ўтказилди. Сайловчилар билан бўлиб ўтган мулоқотда партиянинг янги Сайловолди дастури, номзодлар таништирилди.

Учрашувда номзодлар ўзларининг ижтимоий адолат, ижтимоий тенглик тамойиллари асосида ишлаб чиққан Сайловолди дастурлари билан йиғилганларни таништирди.

Тарғибот тадбирида номзодларнинг Сайловолди дастурида белгиланган устувор вазифаларга тўхталиб, унда оилалар фаровонлиги, болалар учун тенг имкониятлар яратиш, ёшларнинг таҳсил олиши, кексаларга ғамхўрлик қилишни таъминлаш каби муҳим масалалар илгари сурилгани алоҳида таъкидланди.

Очиқ, самимий мулоқот руҳида ўтган учрашувда сайловчилар дастур юзасидан ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилди.

Шу билан бирга учрашувда сайловчилардан сайловда фаол бўлишга ҳамда Халқ демократик партияси номзодларига овоз беришга чақирилди.

***

Хазорасп туман Педагогика коллежи. Унда юзлаб одам йиғилган. Эътиборлиси, уларнинг барчасида ислоҳотларга дахлдорлик ҳисси мужассам. Яъни, сайловларга бефарқ эмас. Учрашувга келган ҳар бир фуқаро ўз танлови, овози, фикри аҳамиятли эканига ишонади.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига кўрсатилган номзодларнинг сайловолди тарғибот-ташвиқот учрашувлари ташкил қилинди.

Партиянинг кенг жамоатчилик вакиллари, сайловчилар фикр ва таклифларига асосланган Сайловолди дастурида 10 йўналишда 150 дан ортиқ аниқ таклифлар жой олган. Мулоқотда партиямизнинг асосий ғоялари, шунингдек, янги Сайловолди дастуридаги энг муҳим ташаббуслари тўғрисида маълумотлар берилди.

Сўзга чиққанлар партия Сайловолди дастурида белгиланган устувор вазифаларга тўхталиб ўтишди. Қайд этилдики, унда оилалар фаровонлиги, болалар учун тенг имкониятлар яратиш, ёшларнинг таҳсил олиши, кексаларга ғамхўрлик қилишни таъминлаш каби муҳим масалалар илгари сурилгани, ижтимоий тенглик ва халқ демократияси мезонлари устуворлигини кучайтириш партиянинг бош мақсади ҳисобланади.

Учрашув иштирокчилари номзоднинг Сайловолди дастури юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди. Қизғин мулоқот давомида барча саволларга жавоб берилди.

Ҳар бир инсон фаровонлиги, жамиятимиз равнақи йўлида курашаётган партиянинг Сайловолди дастурини қўллаб-қувватлашга чақириб, унинг фаолияти ва ташаббусларига оид флаерлар, буклетлар ва янги дастур ўрин олган китобчалар сайловчиларга тарқатилди.

Тадбир савол-жавобларга бой ҳолатда ўтказилди.

***

Марғилон шаҳридаги “Ҳунармандлар маркази” ва Қўштепа туманидаги “Иброҳимжон гиламлари” корхонасида Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Фарғона ҳудуди бўйича 55-округдан номзод Аброржон Қурбонов, депутатликка номзод Дилбархон Мамаджанова, вилоят, туман Кенгашига номзодлар сайловолди тарғибот учрашувини ўтказишди.

Дастлаб, Ўзбекистон ХДП Қўштепа туман Кенгаши раиси Шавкатжон Шаропов номзодларнинг таржимаи ҳоли билан сайловчиларни таништирди. Шундан сўнг йиғилганларга партия Сайловолди дастурида назарда тутилган энг муҳим ташаббуслар ва таклифлар, янги ғоялар таништирилди. Унда ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатламлар манфаатлари қамраб олингани таъкидланди.

– Биз ҳар бир оиланинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш, малакали тиббий хизмат, етарли даромадга эга бўлиш, жамиятда барқарорликни сақлаш учун ҳуқуқий тенглик, ундан фойдаланиш учун тенг имкониятлар берилиши тарафдоримиз. Сайловолди дастуримизда бахтли болалик, ишончли келажак, қарияларга ғамхўрлик борасида ҳаётий таклифларни илгари сураяпмиз, – деди Аброр Қурбонов.

Хусусан, ижтимоий йўналтирилган таклифлар, ижтимоий адолат, ижтимоий тенглик хусусидаги ташаббусларнинг мазмун-моҳияти тушунтириб берилди. Депутатликка номзодлар ҳамюртларимизнинг фаоллиги, сиёсий уйғоқлигини эътироф этиб, уларнинг ҳар бир саволига атрофлича жавоб берди.

***

Ана шундай учрашувларнинг яна бири Бухоро вилоятининг Когон шаҳрида ҳам бўлиб ўтди. Когон шаҳридаги Касб-ҳунар мактаби катта мажлислар залида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Сайловолди дастури ҳамда депутатликка номзодларни кенг тарғиб этишга қаратилган учрашувда иштирок этган аҳолининг турли қатлам вакиллари ўзларига қизиқ бўлган саволлар билан депутатликка номзодлар ва партия фаолларига мурожаат қилишди.

Тадбирда барча номзодлар иштирок этди. Мулоқотда “Ҳар бир инсон фаровонлиги” учун шиорини ўзида мужассам этган партия мақсадлари аниқ вазифалар рўёбига қаратилгани билан аҳамиятли экани таъкидланди.

Сайловолди дастуридан ўрин олган ижтимоий ҳимояни кучайтириш, пенсия тизимига ўзгартиришлар киритиш, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш билан боғлиқ таклиф ва ташаббуслар мазмун-моҳияти аниқ мисоллар билан тушунтирилди.

Сайловда фаол бўлиш, Халқ демократик партияси ва номзодларига овоз беришга чақирилди.

***

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Балиқчи туман Кенгаши томонидан Ибн Сино номли Балиқчи тиббиёт техникум мажлислар залида ўтказилган сайловолди тарғибот тадбири ҳам кўтаринки руҳда ўтказилди.

Мулоқотда партия мақсадлари аниқ вазифалар рўёбига, хусусан ижтимоий тенглик, ижтимоий адолат тамойилларига қаратилганлиги билан аҳамиятли эканлиги ҳақида тушунчалар берилди.

Шунингдек, тарғибот тадбири давомида сайловчиларга сайлов жараёнларининг муҳимлиги, демократик давлатни барпо этишда аҳоли, айниқса, ёшларнинг фаол бўлиши муҳим эканлиги таъкидланди.

Сўзга чиққан фаоллар сайловчиларни сайловда фаол иштирок этишга ва ўзига муносиб, деб билган номзодга овоз беришга чақирди.

ДАСТЛАБ, ЎЗБЕКИСТОН ХДП ҚЎШТЕПА ТУМАН КЕНГАШИ РАИСИ ШАВКАТЖОН ШАРОПОВ НОМЗОДЛАРНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИ БИЛАН САЙЛОВЧИЛАРНИ ТАНИШТИРДИ. ШУНДАН СЎНГ ЙИҒИЛГАНЛАРГА ПАРТИЯ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДА НАЗАРДА ТУТИЛГАН ЭНГ МУҲИМ ТАШАББУСЛАР ВА ТАКЛИФЛАР, ЯНГИ ҒОЯЛАР ТАНИШТИРИЛДИ.





ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ВА ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

НОБЕЛЬ – 2024:

Танланганлар орасидан ТАНЛАНГАНЛАР



Дунё борган сари тараққийлашиб бормоқда. Бундан бир неча аср олдин инсониятга имконсиздек туюлган теориялар бугун кундалик ҳаётимизнинг бир қисмини ташкил қилмоқда. Бунга осонликча эришилган эмас. Ҳаётимизга кириб келаётган ҳар бир янгилик умрини шу йўлга тиккан илм аҳлининг машаққатли меҳнати самарасидир. Инсоният олдидаги хизматлари учун бериладиган энг машҳур – Нобель мукофоти ана шундай инсонларнинг шарафли меҳнатларини бироз бўлса-да, қадрлашга, уларга илтифот кўрсатишга қаратилган.

Жорий йилда мукофотлар 7 –14 октябрь кунлари топширилиши эълон қилинди. Шу билан бирга бу йил Тинчлик бўйича ҳеч кимга мукофот берилмаслиги мумкин. Сабаби, бу йил дунё уруш домига тортилмоқда. Ер шарининг турли нуқталарида нотинчлик ҳукм сурмоқда.

Бунга «Балки, айнан бу йил Нобель тинчлик мукофоти қўмитаси мукофотни топширмай, эътиборни урушаётган сайёрага қаратиши лозимдир», — деди Стокгольм халқаро тинчлик институти раҳбари Дэн Смит.

7 октябрь куни физиология ва тиббиёт бўйича мукофот Виктор Амброс (Массачусетс университети, АҚШ) ва Гари Рувкунга (Массачусетс бош шифохонаси, Гарвард тиббиёт мактаби, АҚШ) берилди.

Мукофотни топширувчи Стокгольмдаги Қироллик Каролинска тиббий-жарроҳлик институтининг хабар беришича, мукофот олимларга микроРНК кашфиёти учун берилди.

Айтилишича, микроРНК ген регуляцияси юз миллионлаб йиллар давомида ишламоқда. Бу механизм тобора мураккаблашиб бораётган организмларнинг эволюциясини таъминлади.

“Биз генетик тадқиқотлардан биламизки, ҳужайралар ва тўқималар микроРНКларсиз нормал ривожланмайди. МикроРНКларнинг ғайритабиий тартибга солиниши саратон ривожланишига ҳисса қўшиши мумкин ва одамларда микроРНКларни кодловчи генлардаги мутациялар туғма эшитиш қобилиятини йўқотиш, кўз ва скелет касалликлари каби ҳолатларни келтириб чиқаради.

Эмброс ва Рувкуннинг C.elegans чувалчангидаги муҳим кашфиёти кутилмаган эди ва барча мураккаб ҳаёт учун зарур бўлган генларни тартибга солишнинг янги ўлчовини очди”, — дейилади хабарда.

Эслатиб ўтамиз, тиббиёт ва физиология бўйича 2023 йилги Нобель мукофоти Пенсилвания университетидан Дрю Вайсман ва Каталин Карикога берилганди, уларнинг ишлари коронавирусга қарши mRNA вакциналарини яратиш учун асос бўлган.



8 октябрь куни физика бўйича Нобель мукофоти Жон Хопфилд (Принстон университети, АҚШ) ва Жеффри Хинтонга (Торонто университети, Канада) берилди. Бу ҳақда мукофотни топширувчи Стокгольмдаги Қироллик Каролинска тиббий-жарроҳлик институти хабар қилди.



Улар физика воситаларидан замонавий кучли машина таълимининг асоси бўлган усулларни ишлаб чиқиш учун фойдаланганлар. Жон Хопфилд (АҚШ) маълумотлардаги тасвирлар ва бошқа турдаги нақшларни сақлаши ва қайта қуриши мумкин бўлган ассоциатив хотирани яратди. Жеффри Хинтон (Канада) маълумотлардаги хусусиятларни автоном тарзда топадиган ва шу тариқа тасвирлардаги муайян элементларни аниқлаш каби вазифаларни бажарадиган усулни ихтиро қилган.

2023 йилда физика бўйича Нобель электронлар бўйича экспериментал тажрибалар ўтказган олимлар Пьер Агостини, Ференц Крауз ва Анн Ле-Ҳуиллерга тақдим қилинганди.

Шунингдек, 9 октябрда кимё, 10 октябрда адабиёт бўйича лауреатларнинг номи эълон қилинади. 11 октябр куни тинчлик мукофоти, 14 октябрда эса Альфред Нобель хотирасига иқтисод бўйича мукофот топширилади.

Ҳаммага маълумки, аслида мукофотга номзод бўлишнинг ўзи ҳам катта шарафдир. Миллиардлар орасидан саноқли инсонлар, ўз ишининг ҳақиқий даҳоларигина бу эҳтиромга, яъни, номзод бўлишга сазовор бўлади. Мукофотни қўлга киритиш эса танланганлар орасидан танланганларгагина насиб этади.

Ўз мухбиримиз.



Дунё мўъжизалар уммонидир. Гоҳида ғаройиб олам ўз сирлари билан лол қолдирса, баъзида тилсимотлари мафтун этади кишини. Синоатлар мужассам ана шундай манзиллардан бири Сурхон воҳасининг шимоли-ғарбида жойлашган Сангардак қишлоғидир. Тоғлар бағридаги макон минг йилликларга гувоҳ. Улуғ ўтмиши, мўъжизакор табиати ва муқаддас қадамжолари билан ном қозонган.

Бу ердаги машҳур Сангардак шаршараси ҳақида эшитгандирсиз. Жилвакор шаршаранинг юз метрча юқори қисмидаги булоқ ҳақида эса ҳамма ҳам билавермаса керак.

Гап шундаки, борлиқнинг бу нодир иноятини маҳаллий аҳоли “Жавзо” булоғи, деб атайди. Ундан йилига бир марта – бор-йўғи 31 кун сув чиқиши кишини таажжублантириши табиий.

– Сангардак тоғларида Сангардак булоғи, Қора булоқ, Сирсой булоқ, Ширинбулоқ каби ўндан ортиқ чашмалар бор, – дейди Сариосиё тумани “Боғи-ширин” маҳалласида яшовчи Дилшодахон Ёрмаҳматова. – “Жавзо” булоғи эса ўзгача ва қатор хасталикларга даво экани ҳам айтилади.

– “Жавзо” юлдуз туркумларидан бири ҳисобланади, – дейди ҳудуддаги 39-умумтаълим мактаб директори Турғунжон Ғоибов. – Шу ном билан аталувчи ой 31 кун, яъни, 21-22 майдан бошланиб, 22-23 июнгача давом этади. Улкан қоятошлар бағрида “кўз очган” “Жавзо” булоғи ҳам айнан ўша кунлари шарқираб оқиб туради. Уни 30 ёки 32 кун оби ҳаёт улашганини ҳеч ким кўрмаган. Бу йил ҳам худди шундай бўлди. Кўриб турибсизлар, “Жавзо” ойи тугаши билан булоқ оқиши ҳам тўхтади. Ҳозир сув йўқ. Янаги йил ёзни кутишга тўғри келади энди...

Айтгандай, бу ерда маҳаллий ва хорижлик мутахассислар кўп йиллардан буён тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Аммо тилсимларга тўла булоқ сири ҳамон жумбоқлигича қоляпти.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

ЖИНОЯТ ҲАМДА МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСЛАРГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИЛДИ

Унга кўра, кодексларга соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган қасддан баданга енгил шикаст етказиш билан боғлиқ жиноий қилмишни жиноий жазо таркибидан чиқариб, уни маъмурий ҳуқуқбузарлик тоифасига ўтказишни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Шунингдек, мазкур ҳуқуқий нормани янги тавсифий белгилар билан тўлдириш, ярашув институтига кирувчи маъмурий ҳуқуқбузарликлар доирасини кенгайтириш белгиланмоқда.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган қўшимчага кўра, ушбу ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса:

БҲМнинг 5 бараваридан 25 бараваригача миқдорда жарима солишга;

15 суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлиши белгиланмоқда.





ОНЛАЙН КРЕДИТ

ажратишда вақтинчалик тартиб йўлга қўйилади

Марказий банк хабарига кўра, жорий йилнинг ўтган даврида фирибгарлик йўли билан фуқаролар номига онлайн кредит ажратиш орқали 463 та ҳолатда қарийб 15 млрд. сўм миқдорда моддий зарар етказилган. Ушбу турдаги фирибгарликларнинг олдини олиш мақсадида вақтинчалик тартиб жорий қилинмоқда.

Унга кўра, эндиликда фуқаролар кредит ташкилотининг мобиль иловаси орқали кредит ажратиш бўйича ариза юбориш жараёнида биометрик идентификациядан ўтиши талаб этилади. Ушбу талабнинг ўрнатилиши кредит олиш бўйича ариза фуқаронинг шахсан ўзи томонидан юборилганини аниқлаш ва унинг шахсига яна бир бор ойдинлик киритиш имконини беради.

Вақтинчалик тартибга кўра, кредит ташкилоти фуқаро ариза юборганидан кейин унинг кредит бюролари маълумотлар базасидаги кредит тарихини 2 босқичда (ариза тушгандан сўнг ҳамда кредит маблағлари ажратилишидан олдин) текширишдан (скоринг) ўтказади. Текширув натижасида мижознинг салбий кредит тарихи ёки қарз юки кескин ошгани аниқланса, қисқа давр ичида бир нечта кредит расмийлаштирилган ва қарз юки кескин ошган бўлса, кредит ажратиш рад этилиши ёки бошқа суммада ажратилиши тўғрисида хабар берилади. Бу эса фирибгарлар алдовига учган фуқаролар номига бир нечта кредит ташкилотидан кредит маблағлари ажратилишининг олдини олади.

Бундан ташқари, фуқаро кредит ташкилоти мобиль иловасидан янги рўйхатдан ўтиб ёки мавжуд аккаунтга бошқа қурилмадан кириб, биринчи марта онлайн кредит олганда, мазкур кредит ажратилганидан бошлаб 48 соат давомида кредит ҳисобидан P2P амалиётлар, жисмоний шахслар ҳисобварақлари ва электрон ҳамёнларга ўтказмалар, мобиль алоқа операторлари орқали телефон рақами ҳисобини тўлдириш, чет элга пул ўтказмалари ҳамда онлайн валюта айирбошлаш операцияларига чекловлар ўрнатилиши белгиланмоқда.

Мазкур чекловларни ечиш учун мижоз 48 соат ичида кредит ташкилоти томонидан юборилган СМС-хабарда қайд этилган телефон рақамларига қўнғироқ қилиб, кредитни фирибгарлар таъсирисиз олганлигини маълум қилади, кредит ташкилоти ходими эса мижозга қайта боғланиб, берилган маълумотлар тўғрилигини текшириб, қўшимча тасдиқдан ўтказади.

Кредит маблағлари фуқаронинг банк картасига ўтказилгандан кейин пул маблағлари сарфланмаган бўлса, 48 соат ичида кредит олишга ариза мижоз томонидан фирибгарлар таъсирида берилгани аниқланса ёки мижоз қўшимча тасдиқдан ўтишни амалга оширмаса, кредит шартномаси кредит ташкилоти томонидан бекор қилинади ва ажратилган пул маблағлари ортга қайтарилади.

Регуляторнинг маълум қилишича, мазкур тартиб 2024 йилнинг 1 ноябридан 2025 йилнинг 1 апрелига қадар амал қилади.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ тайёрлади.

MUASSIS:

O‘zbekiston XDP Xalq demokratik partiyasi

O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

O‘zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY’ATI:

Ulug`bek INOYATOV
Ulug‘bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV
Guliston ANNAQILICHEVA
Muslihiddin MUHIDDINOV
Hayotxon ORTIQBOYEVA
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: To‘lqin TO‘RAXONOV

MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14
Реклама бўлими: (91) 190-19-49. **E-mail:** uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 8 bosma taboq.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.

Navbatchi: **Ravshan SHODIYEV**
Sahifalovchi: **Bekzod ABDUNAZAROV**

Г — 1037. 11168 nusxada bosildi.
Nashr ko‘rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari

O‘zA yakuni —
Topshirilgan vaqti —
1 2 3 4 5 6
Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.